

А Ж Р И М

2021 йил май ойининг 17 кунда жиноят ишлари бўйича Каттакўрғон туман судининг очик сайёр суд мажлиси, Каттакўрғон шаҳар биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ф.З.Саломов, судья ёрдамчиси С.Омоновнинг котиблигида, томонлардан Каттакўрғон туман прокурори ёрдамчиси И.Халматов, маҳкум А.Умаровнинг иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан судланган маҳкум Умаров Акмал Илхомовичга нисбатан тайинланган озодликни чеклаш жазосини ўталмаган қисмидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ҳақидаги Каттакўрғон туман ИИБ бошлиғининг № 1-1404-2001/129-сонли тақдимномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни;

А Н И Қ Л А Д И :

Умаров Акмал Илхомович (Umarov Akmal Ilhomovich) – 1987 йил 22 июль куни Каттакўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, муқаддам жиноят ишлари бўйича Каттакўрғон туман судининг 2017 йил 5 январь кунги хукми билан Ўзбекистон Республикаси 166-молддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-молддасини қўллаб 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 2017 йил 16 сентябрь кунги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси 74-молддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 5 ой 15 кун муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу кунга ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган олда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Каттакўрғон туман судининг 2018 йил 25 май кунги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-молддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 3 ой 19 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу кунга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2018 йил 20 сентябрь кунги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-молддасига асосан ўталмай қолган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг 8 ой 18 кундан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, Каттакўрғон тумани, “Номозполвон” МФЙга қарашли “Ибн Сино” кўчаси 55-уйда яшайди.



А.Умаров жиноят ишлари бўйича Каттакўрғон туман судининг 2019 йил 22 декабрдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан 1 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Суд ҳукми 2019 йил 26 март куни Каттакўрғон туман ИИО Пробация гуруҳига ҳисобга олиниб, ижрога қаратилган.

Судга, Каттакўрғон туман ИИБ томонидан тақдимнома киритилиб, унда маҳкум жазонинг учдан бир қисмини ўтаганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисмини “а” бандига асосан ўталмай қолган озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш сўралган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган Каттакўрғон тумани ИИО Пробация гуруҳи катта инспектори Қувондиқов Ислоом Хайдарович ўз кўрсатувида, маҳкум А.Умаров жиноят ишлари бўйича Каттакўрғон туман судининг 2019 йил 22 декабрдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан 1 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланганлиги, маҳкум А.Умаров жазони ўташ мобайнида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилганлигини, бирор марта ҳам ҳуқуқбузарлик содир қилмаганлигини, суд томонидан белгиланган чекловларга амал қилаётганлиги, интизомий чора олмаганлигини, ҳозирда суд томонидан тайинланган жазосини учдан бир қисмидан кўпроғини ўтаганлигини билдириб, ўталмай қолган озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига, маҳкум ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан сўнг уни жазони ўташдан шартли равишда озод қилиш мумкинлиги белгиланган.

Суд, иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, Каттакўрғон туман прокурори ёрдамчиси И.Халматовнинг фикрини тинглаб, маҳкум А.Умаров жазони ўташ мобайнида жазо тури учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарганлиги, бирор марта ҳам ҳуқуқбузарлик содир қилмаганлигини ва суд томонидан тайинланган жазони учдан бир қисмини ўтаганлигини инобатга олиб, ўталмай қолган 7 ой 18 кун озодликни чеклаш жазосидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисмини “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни ва Каттакўрғон туман ИИБнинг тақдимномасини қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 541-542 моддаларига қўлланилиб, суд;

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Каттакўрғон тумани ИИБнинг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Жиноят ишлари бўйича Каттакўрғон туман судининг 2019 йил 22 декабрь кунги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан судланиб, тайинланган озодликни чеклаш жазосини ўтаб келаётган маҳкум Умаров Акмал Илхомович (Umarov Akmal Ilkhomovich), ўталмай қолган (етти) ой 18 (ўн саккиз) кун озодликни чеклаш жазосидан Ўзбекистон



Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинсин.

Маҳкум А.Умаровга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 5-қисми талаби тушунтирилсин.

Ажримдан норози томонлар ўн сутка муддат ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг апелляция инстанцияси судлов хайъатига хусусий шикоят ёки хусусий протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

Ф.З.Саломов.

